



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



# Маҳалла

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

## САРҲИСОБ

### Устувор вазифалар ижроси таҳлил этилди

Кун кеча «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими бошқаруви томонидан 2015 йил фаолият якунига бағишланган йўналиш бўлиб ўтди. Таъбирда эришилган ютуқлар, ўл қўйилган камчиликлар муҳокама этилди.

Фонднинг ҳудудий бўлими ва бўлимлари ходимлари, фаоллар иштирок этган маъруза ҳисоботида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ҳамда Фонд Иш режаси доирасида амалга оширилган ишлар ҳусусида ахборот берилди.

Қайд этилишича, ўтган йили ижтимоий ҳимояга муҳтож 41 нафар кексанинг уй-жойларини таъмирлаб бериш учун Фонднинг вилоят бўлими томонидан 40,7 миллион сўм маблағ сарфланди. Денов ва Сарийи туманларидаги Муруват уйининг 68 нафар тарбияланувчисига 12 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда кийим-кечак тўхта этилди. Вилоятдаги 12-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам эътибордан четда қолмади. Уларга 22 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳисобот даврида маҳаллаларда ярим асрдан кўп вақт тотувликда умр кечираётган кекса фахрийларимиз иштирокида «Қариси бор уйнинг париси бор», «Кексаларнинг дуосини олайлик!» мавзуларида учрашувлар ташкил этилди. Мазкур тадбирларда қатнашган 175 нафар нурунийга маърифат техника воситалари, мебель ва уй-рўзгор буюмлари берилди.

Фонд тизимида амалга оширилаётган эзгу ишлар қўлами йил сайин кенгайиб бораётган. Айниқса, фуқаролар йиғинларида яратилаётган шарт-шароитлар маҳал-

ла мутасаддиларини янада фаоллик билан ишлашга ундаётган. Жумладан, ўтган йили вилоятдаги 625 та фуқаролар йиғинининг бинолари маҳаллалар балансига ўтказиб берилди. 553 та йиғин биноси таъмирланган бўлса, айни пайтда 72 та бинода бундай ишлар давом этаётган. Шунингдек, 36 та фуқаролар йиғини биноси қайтадан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Кексаларни эъзозлаш йилида нафақат вилоятда, балки туманимизда ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Шўрчи тумани бўлими раиси Шерали Сафаров. — Туманимиздаги 2 та маҳалла фуқаролар йиғинининг маҳалла гузарни замонавий қиёфа касб этди. 5 та йиғиннинг биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Фонд маблағлари ҳисобидан 12 та маҳалланинг моддий-техник базаси мустақамланди.

Бугун «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлими ва бўлимларида келиб тушаётган муурожаатлар ўз вақтида ўрганилиб, ҳал этилаётган. 2015 йил давомида Фонднинг вилоят бўлимига моддий ёрдам сўраб қилинган муурожаатнинг 25 таси ижобий ҳал этилди. 125 та муурожаат эгаларига тушунтириш берилди.

Очиқ, ошқора, ишчан руҳда ўтган йиғилишда ташкилий масала кўрилди: Термиз ахборот технологиялари ва маърифат хизмат касб-ҳунар коллежи директори бўлиб ишлаб келган Урол Ташбоев «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими бошқаруви раиси этиб тайинланди.

Йиғилиш кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нигина ШОЕВА «Mahalla»



## КЎРГАЗМА



Носир Хайдаров олган сурат.

### Тасвирий санъат тарихининг бир бўлаги

Ёш авлодни буюк сиймолар ижоди билан таърифлаш, уларнинг ибратли ҳаёт ўли, илм-фанга қўшган ҳиссалари ҳақида маълумот бериш эртанги кун эгаларда ўзликни англаш, юртга муҳаббат, аждоларга муносиб ворислик ҳиссини мустақамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис айни кунларда шеърят мулкнинг султони Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд муносабати билан жойларда турли маданий-маърифий тадбирлар, кечалар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Ўзбекистон давлат санъат музейида Навоийнинг 575, Бобурнинг 533 йиллик таваллуд айёмига бағишлаб «Буюк таваққур соҳиблари» мавзусида кўргазма ташкил этилди. Тадбирда турли вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, навоий-

шунос ва бобурунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, шунингдек, олий ўқув юртли профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар буюк аждоларимизнинг умрбоқий илмий-маърифий меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган изланишлар ҳусусида маърузалар қилинди. Инжулар уммонига қўсланадиган мазкур буюк шахслар ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ илмий кашфиётлар ҳамда уларнинг асарларида илгари сурилган

эзгу ғояларнинг ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди. Нафақат ижод оламидаги ўрни, балки давлат арбоби, илм-фан ҳомийси сифатида олиб борган фаолияти тарихчилар томонидан асослаб берилгани эса улғу сиймолар яшаган давр муҳитини аниқроқ гавдалантириш, табаррук зотлар сурати ва сийрати тўғрисидаги тасаввурларни бойитиш имконини бериши табиий.

(Давоми 2-бетда).

## ЎҚУВ-СЕМИНАРЛАР

### Маслаҳатчи юксак билим ва маърифатли бўлмоғи шарт

Маҳаллаларда катта ҳаётий тажрибага эга кайвончи онахонлар азалан оилалар мустақамлашга таъминлаш, қула-андачилик, кўни-кўшничлик, фарзанд тарбиясида кўмаклашиб, тўй-ҳашам ва маъракаларда бош-қош бўлишган.

Хайри ишларда эл-улусни ҳам-жиҳатликка чорлаб, бунда ўзлари ҳар томонлама ташаббус кўрсатиб келишган. Шу боис маҳалладаги муҳит ҳақида гап кетганда, ана шундай фидойи ва жонқуяр аёлларнинг камтарона хизматлари ёдга келади.

Бугун ҳам айни шу анъана фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолияти мисолида давом этаётган йиғинларда маънавий муҳит бар-

қарорлигини таъминлаш, ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш, динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик тамойилини ҳаётга жорий этишда муҳим аҳамият касб этаётган. Бундай долзарб вазифаларни удрлаш эса маслаҳатчилардан замон билан ҳамнафасликни, ғоявий курашларда кучли билим ва маърифатга эга бўлишни, малака ва тажрибаларни бойитиб боришни тақозо этади.

(Давоми 2-бетда).



## ВАТАННИ МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ

### Ҳарбийлик — ҳар бир йигит орзуси

Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар нуфузли ота-оналар фарзандларини ҳарбий хизматга қувонч билан кузатиб, фахр-ифтихор билан кутиб олмақда. Бу мамлакатимизда ҳарбий хизмат чиниқши ва тарбия мактабига айлангандан далолат.

Илс Қаҳоров Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги «Хўжабулғон» маҳалласида истиқомат қилади. Болалигидан ҳарбий бўлишга орзуманд йигит фанларни аъло даражада ўзлаштирди. Бироқ бу унга етарли бўлмаслигини Илс олдиндан биларди. Шу боис жисмоний тайёргарлигига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Бу борада унга маҳалла қошидаги

миллий кураш тўрагаги қўл келди. Машгулотлар давомида турли мусобақаларда иштирок этгани уни янада чиниқтирди. Бугун унинг бу сай-ҳаракатлари бесамар кетмади. Ватан ҳимоячиси. Бундай ном эгаси бўлиш ўзбек ўғлини учун улғу шараф ва улкан масъулиятдир. Ҳарбий хизмат кишини ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан чиниқтиради. Илс ҳам шижоат, матонат ва ғайрат билан йигитлик бурчини ўтади. У хизмат давомида командир ва бошлиқлар ишончини оқлади. Ўқув машгулотларида яхши натижаларга эришиб, фахрий ёриқлар билан тақдирланди. Илс олий таълим муассасасига ўқишга киришда қўшимча бал олиш имконини берадиган қўмондонлик тавсияномаси билан оиласи бағрига қайтди.

(Давоми 2-бетда).



## ОСУДАЛИК ОМИЛИ

### Фидойилик, албатта, рағбат топади

Яна бир тонг отди. Дуога қўл очган онамнинг ниютларини тинглай туриб, бизнинг осойишталигимиз учун тунни бедор ўтказган айрим соҳа ходимларининг заҳматли меҳнатини кўз олдимга келтираман. Бу ҳақда ўйларканман, шоирнинг «Йигит омон бўлса, қўрғон саломат...» деган сатрлари ёдга келади...

Бугун маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардорлари айни шундай шараф, эътирофга муносиб. Самарқанд вилояти Пахтачи тумани Мирзо Нодим номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчи-

лик тузилмаси сардори Лазизжон Туропов фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Аслида Л.Туропов — оиланинг кенжа фарзанди. Оғир ва босиқ, жамоатчилик ишларида фаол бўлиб фуқаролар йиғини 2013 йилда маҳалла осойишталиги билан шуғулланиш вазифасини топширди. У фаолиятининг дастлабки кунларида вояга етмаганлар билан жиддий шуғулланди. Турли спорт тадбирлари ва кўрик-танловлар ўтказишга бош-қош бўлди. Худуддаги 1-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг давоматини доимий мониторинг қилиб, тегишли чоралар кўришни йўлга қўйди. Аҳоли ўртасида одам савдосига қарши курашиш, гиёҳвандликнинг олдини олиш, янги иш ўринлари ташкил қилиш мавзуларида давра суҳбатлари ўтказди.

(Давоми 3-бетда).

## КҮН НАФАСИ

### Шаҳарга бўйлашган қишлоқлар

2009-2015 йилларда Наманган вилоятининг қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида 4 миңдан ортқ уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бугун вилоятнинг 11 та туманида нафақат намунавий лойиҳадаги замонавий тураржойларни, балки бутун бир маҳаллага айланган аҳоли яшаш массивларини кўриш мумкин. Эътиборлиси, инфратузилма ҳам қурилиш билан тенга-тенга ривожланмоқда. Бошқача айтганда, мазкур массивларда 216 км. ичимлик суви, қарийб 100 км. электр, 186 км. табиий газ тармоқлари тортилиб, 78 км. йўл асфальтланди.

Шаҳарликларнинг ҳам ҳавасини келтираётган уй-жойлар аҳолининг яшаш турмуш тарзини бутунлай ўзгартириб юборди. Намунавий лойиҳа асосида Поп туманидаги Санг, Наманган туманидаги Хонобод, Косонсой туманидаги Қўқумбой, Тўрақўрғон туманидаги Аҳси қишлоқларида қурилган янги йулорга кўчиб кирган оилалар қувончи чексиз. Шу боис 2009-2010 йилларда фақат уч-тўртта туманда бошланган бундай бунёдкорлик кейинчалик барча худудларда қулоч ёйди. Натижада 2014 йилга келиб шундай уйлардан 777 таси, ўтган йили 848 таси фойдаланишга топширилди.

— «Янги Аҳсиқент» маҳалласи туманимиздаги энг обод маҳаллалардан, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тўрақўрғон тумани бўлими раиси Маъсуда Бегматова. — Кейинги 4 йил ичида йиғинда 200 та намунавий тураржой бинолари қад ростлади.

Таъкидлаш жоизки, бу каби тизимли ва кенг қўламли ишлар бинокорликка ихтисослаштирилган пудратчи ташкилотлар фаолиятини кучайтириб, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони кўпайишида ҳам муҳим омили бўлмоқда. Жумладан, бу ишга вилоятдаги 75 та пудратчи ташкилот, 46 та пишиқ гишт ишлаб чиқарадиган корхона жалб этилган бўлиб, улар тўла қувват билан фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, кўплаб санот корхоналари ва кичик бизнес субъектларида қурилиш ашёлари ва жиҳозлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Натижада бу хомашёлар қувувчиларга арзон нарҳда, узлуксиз етказиб берилаётган. Биноларни иситишга мўлжалланган махсус қозонлар «Мехмаш», чилангар буюмлари «Мусаффо полимер» корхонасида ишлаб чиқарилмоқда. Ички ва ташқи коммуникация тизимида фойдаланиладиган полимер қувурлар ҳам шулар жумласидан.

Бинокорлар сифатли эшик ва пластик деразаларни авваллари пойтахтдан олиб келарди. Утган йилдан бошлаб бу юмуш билан ҳам маҳаллий корхоналар шуғуллана бошлади. Вилоят марказидаги «Калибр пласт» хусусий корхонасида пластик ромлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Якунланган йилда 700 та уй-жойга унинг сифатли маҳсулотлари ўрнатилди.

Янги тураржойлар ўзбекона қадриятларга мослиги, қулай инфратузилмага эгаллиги билан аҳолини манзур бўлаётган.

Жорий йилда вилоятда яна 911 та ана шундай замонавий уй-жойларни барпо этиш режалаштирилган.

Илҳомжон РАҲМАТОВ «Mahalla»





ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!

Кафтдек ердан катта даромад



биридан ўттиз-қирқ килограмм лимон оляемиз...

туп лимон етиштираётёр. — Меҳнат инсонни улуғлайди...

Интилган имкон топар, деганларидек, Бўрон Мингбоев...

Бўрон ақдан маҳалладошлари ҳам ибрат олиб, бирин-кетин...

Серкўёш дёримизда етиштирилаётган мазаги полдиз ва мева маҳсулотларини дунёнинг ҳеч бир мамлакатид...

Агар йўлингиз Сурхон воҳасига тушса, албатта, Шўрчи туманидаги «Жойилма» маҳалласида...

Бўрон Мингбоев бундан олти йил аввал субтропик мева маҳсулотларини етиштириш мақса...

— Ободонлаштириш соҳасида ишлаганим боис деҳқончиликдан ҳам озми-кўп хабарим бор...

ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

Шижоат ва иштиёқ мақсадга етаклайди

Барча қизақлар сингари Зебо ҳам бўш қолди дегунча ойшунинг кутусидан нунча-ипларни яширнча олиб...

Университетда таҳсил олиш борабар моҳир чеварларга шогирд тушиб, тикувчилик сир-асрорларини ўрганди...

Кредит эвазига корхонанинг молдий-техник базаси мустаҳкамланди. Бу кредит маблағи аллақачон тўлаб бўлинди...

Дарвоқе, корхона бежиз «оилавий» мақомини олмаган. Бу ерда Зебо опанинг турмуш ўртоғи ва қизи Юлдузхон ҳам фаолият юритаётган.

— Касб-хўнар коллежининг учинчи босқичида таҳсил олиш билан бирга «Гўзаллик саломи» ишини ҳам ўзим олиб борапман...

Бугун тикув цехида мижозлар талаби ва дидига мос йиғирма турдан ортиқ маҳсулот бюртма асосида тикилмоқда. Бунда тайёрланган аёллар либослари, костюм-юбка, пальтолар ҳам сифати, ҳам ҳамёнбоплиги жиҳатидан хорижийлардан қолишмайди...

Айни пайтда оилавий корхонадан ташқари, «Тадбиркор аёл» уюшмаси Ромитан тумани бўлимида ҳамда Бобур номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурдаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия ишига раҳбарлик қилаётган Зебо Остонова ўз бизнесини йўлга қўйиш ниятида юрган маҳалладошларига ҳар томонлама кўмаклашмоқда...

— Касб-хўнар коллежини битириб, айни дамда дугоналарим билан бирга ушбу цехда тикувчилик сир-асрорларини ўрганишман, — дейди Сурайё Фафурова...

Акбар РУСТАМОВ «Mahalla»

БИЛАСИЗМИ?

Иссиқхона нур билан исийдими?

Илк иссиқхоналар қадамги Римда ўйлаб топилган, ammo улар спорт машғулотларини ўтказишда жойларда кумми иситиш учун мўлжалланган.

Биринчи ўсимликлар етиштириш учун иссиқхоналар эса VI асрда Шимоллий Европада қурилган. Уша пайтларда турли минтақалардан кемаларда келтирилган иссиқсепар кўчат, уруғлар мазкур ҳудудда унмас эди...

Биринчи ўсимликлар етиштириш учун иссиқхоналар эса VI асрда Шимоллий Европада қурилган. Уша пайтларда турли минтақалардан кемаларда келтирилган иссиқсепар кўчат, уруғлар мазкур ҳудудда унмас эди...

Таъкидлаш керакки, қўлга киритилмаётган бундай ютуқларда, албатта, тижорат банклари томонидан олиб борилаётган саёй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини берапти.

«Агробанк» АТБ томонидан турли йўналишлардаги тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш натижасид...



РЕКЛАМА ЎРНИДА

Тадбиркорлик йўлидаги камарбасталик

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққиёти хусусий мулкнинг жадал ривожини...

да ўтган 2015 йилда 77,5 мингта янги иш ўрни яратилган, айниқса, эътиборлидир. Банк томонидан қиш-баҳор мавсумида аҳолининг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга, мевасабзавотчиликка ихтисослашган туманларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайтириши ва уларни қайта ишлашга, шахсий ёрдамчи ҳўжаликларида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва аҳоли томорқаларида самарали фойдаланишга ҳам кредит маблағлари йўналтирилмоқда.

— Юртимизда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, уларга муносиб шарт-шароит яратиш борасида улкан ислохотлар амалга ошириллаштириляпти, — дейди Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри Алишер Навоий номидаги маҳалладан тадбиркор Равшан Йўлдошов...

электр қувватини ўзига сақлаб туриш орқали ишлайди. Маълумки, қуёш эрга инфрақизил ҳамда ультратрақизил нурларини юборди...

М. ОТАБОВА тайёрлади.



ри йўналтириладгани маҳаллаликларимизнинг янада обод бўлишига хизмат қилмоқда. Аҳолига қулайлик яратиш ва даромадини оширишга қаратилган лойиҳаларни амалиётга татибқ етиш мақсадида жойларда агрофирмаларнинг иш олиб бораётгани янгилик бўлди...

— Шунингдек, 8 сохилчи томорқамиздан самарали фойдаланиб келмоқдамиз. Чорва учун озуқани ўзимиз етиштиряпмиз. Келгусида чорва моллари сонини кўпайтириб, йирик чорвачилик фермасига айлантириш ниятимиз бор...

«Агробанк» АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашга ва уларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, банк томонидан кичик...

ОСУДАЛИК ОМИЛИ

Фидойилик, албатта, раббат топада

«Давоми. Боши 1-бетда»

Ассоеийси, ўтган давр мобайнида у аҳоли ўртасида маҳалладаги тинчлик ва осуда ҳаётнинг ҳақиқий пособони сифатида ҳурмат қозонди...

— Халқаро миқёсда гиёҳвандлик, диний экстремизм, одам савдоси каби турли иллатлар авж олаётган бугунги кунда «Маҳалла пособони» жамоатчилиги тузилмаси сардори нафақат ўз соҳасини пухта билиши, балки етарлича психолог, моҳир тарбиячи ҳам бўлиши керак...

Биргина мисол. Ҳудуддаги Янги қишлоқ, Чақмоқли ва Бойтўп қишлоқларида тунги навабчиликлар ташкил қилинди. Сардор кўрсатмаси билан «Маҳалла пособони» жамоатчилиги тузилмасида саккиз нафар пособон осойишталикни таъминлаш мақсадида ҳеч бир воқеа-ҳодисани безэтибор қолдирмапти...

Мухаммадсодиқ Тўраев «Mahalla»

Албатта, бундай ютуқларга эришишда бошқа омиллар қатори маҳалла ва милиция таянч пункти моддий-техник базасининг мустаҳкамлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга...

— Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишда профилактик ва оголантирув тадбирларининг аҳамияти катта, — дейди Лазизжон Туропов...

Ҳар бир оилада маънавий муҳит соғломлигига эришиш, бунда, биринчи навбатда, одамлар кундалик турмуш тарзида юзага келаётган турли муаммо ва эҳтиёжларни маҳалла фаоллари билан баргараф этишга ҳаракат қиламиз.

Сардорнинг таъкидлашича, ҳудуд инфратузилмаси ривожланиши бораётгани ҳам тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг камайишида муҳим саналади.



— Бугун маҳалламизда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари, ўнча яқин якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти ташкил этилган, — дейди Л.Туропов...

Дарвоқе, Л.Туропов ақинда «Фуқаролар йиғинларининг энг намунаси» «Маҳалла пособони» жамоатчилиги тузилмаси раҳбари» танловини вилоят босқичида «Фидойи маҳалла пособони» номинациясида голиб бўлди...

— Очиги, дастлаб бунга ишонолмадим. Чунки чекка қишлоқда ишлайётган олдинки бир пособоннинг меҳнати вилоят даражасида қадрланса?! Бундан бир томондан гуруҳларнинг аҳамияти катта, — дейди Лазизжон Туропов...

Дарҳақиқат, мукофот — масъулият билан бирга иштиёқ ва интилиш дегани ҳамдир. Унга лойиқ қўрилган Лазизжон янада ташаббускор бўлиб, самарали меҳнат қилишга интилкоқда. Хусусан, пособонга икки-уч кун аввал маҳаллада икки нафар бегона шахс юрган ҳақида хабар келиб тушди. Уларнинг шахсини аниқлаш мақсадида милиция таянч пунктига келтирилганида, Навоий вилояти Қармана туманида жиноят содир этиб қидирувга юрган шахслар экани маълум бўлди...

Ёқубжон МАРҚАЕВ «Mahalla»



бор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани боис бугун биз ҳар соҳада фаол бўлишга, ўзимизнинг иқтисодимизни намоян этишга интиляемиз, — дейди Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридан ёш тадбиркор, коллеж битирувчиси Шўхрат Башманов...

Молия муассасаси томонидан ёшларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш борасида ҳам кенг кўламадаги ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ўтган йили касб-хўнар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш ва уларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 38 миллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди...

Шунинг билан биргачи, банк томонидан олиб бориладиган бу каби кенг кўламли ислохотлар туфайли молия муассасасининг фаолияти жаҳоннинг нуфузли халқаро рейтинг агентликлари ҳисобланмиш «Мудис» ҳамда «Фитч Рейтингс» компаниялари томонидан «барқарор» деб баҳоланиб келинмоқда...

Фарҳод ЭСОНОВ «Mahalla»

ОЛТИН СИЛСИЛА

# Ҳамкорликда ҳикмат кўп

Мактаб директори Ахтам Наимов «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида ўтадиган йўқлишда ўқувчиларнинг дарсга қатнашиш кўрсаткичи масаласига тўхталаркан, 9-синф ўқувчиси Далернинг давоми тасайганидан хавотирда эканини айтди.



Педагоглар ва йиғин фаоллари биргаликда Далернинг хонадонидан бўлиб, масалани ойдинлик киритишди.

Маълум бўлишича, Далер охирига пайт тез-тез шамоллаб охирини кўтаришди, бундан ташвишланган ота-онаси эса уни дарсад олиб қолишга қарор қилишган экан. Фаоллар оиланинг иқтисодий имкониятлари билан ҳам қизиқиб, уларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож эканини, андиша қилиб маҳалла-қўйдан ёрдам сўраётганини аниқлашди. Шундан сўнг хонадоннинг икки нафар фарзандига қишки кийим-кечаклар олиб берилди. Ҳомийлар кўмағида моддий ёрдам ажратилди. Педагоглар эса Далерни жисмонан ижтимоий ҳимояга муҳтож эканини ташкил этилган стол теннис тўғрисида жазбалаб қўйди.

Жисмонан соғлом, маънан етук, мустақил фикрлайдиган ва интеллектуал салоҳиятли авлод-ни тарбиялаш масаласи давла-

тимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бундай эзгу мақсадни амалга оширишда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этаётди.

— Йиғинимиз аҳолисининг аксариятини ёшлар ташкил этади, — дейди Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги Буктарой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Баҳриддин Баҳодиров. — Фаолиятимиз давомида ёшларнинг маънан ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етишига алоҳида аҳамият берилди. Бунда йиғин худудидан жойлашган 25-умумтаълим мактаби жамоаси бизнинг яқин ҳамкоримиз.

Етти юз нафарга яқин ўқувчи таълим олаётган бу даргоҳда ёшларни баркамол этиб тарбиялаш

борасида катта тажриба тўпланган. Чунотчи, ўқувчиларнинг қизиқишидан келиб чиққан ҳолда уларни касбга йўналтириш, спорт машғулотларига жалб қилишда педагоглар аниқ режа асосида иш олиб бораётгани таҳсинга лойиқ.

— Эртагиди эгаларига билим бериш баробарида уларнинг қизиқишларини ўрганиб борамиз, — дейди мактаб директори Ахтам Наимов. — Шу мақсадда «Касбга йўналтириш хонаси» ташкил этилиб, унда психолог Мохаммад Хусенова, Комила Комилова сингари педагоглар билан бирга йиғин фаолларидан иборат жамоа иш олиб бораётди. Бунда ўқувчиларга турли тест саволлари тарқатилади, давлар суҳбатлари ташкил этилади.

Педагогик жамоа уч йўналишда иш олиб бораётди. Биринчи йўналиш 9-синф ўқувчиларининг қизиқишларини ўрганиб, уларни касбга йўналтириш, қолаверса, ёшлар орасида эрта никоҳнинг олдини олиш, иккинчи йўналиш ёшларни спорт тўғрисида жалб қилиш билан шуғулланиди. Бу эса уларни катта спорт сари рағбатлантиришда қўл келаётди. Фикри-мизга далил сифатида яқинда кураш бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида биринчи ўринга муносиб кўрилган Мирзобек Ҳайдаров ҳамда бокс бўйича вилоят биринчилигида галиб бўлган Суннатбек Маҳмудовнинг ютуқларини келтириш мумкин.

Илм-фанга қизиқиши баланд

ҚАДРИЯТ

# Чўғирма аёз ва офтобдан асрайди



Хива нафақат олим шoirлар, муаррихлару паҳлавонлар, балки моҳир хунармандлар, бетакорр миллий маҳсулотлари билан шуҳрат қозонган.

та-қайта ишлов берилди, қурилади. Шундан сўнггина бичилади. Битта чўғирма учун камидан бир ҳафта меҳнат сарфланади. Бундай телпақларни тайёрлаётганимизда кўп изланамиз. Қадимий намуналарини ахтариш учун манбаларга мурожаат қиламиз. Шу боис бизнинг касби-мизда билим ва маҳорат бирдек керак. Аммо мураккабликка қарамай, ёшларнинг хунаримизга қизиқаётгани қувонарли.

Буюк Ипак йўли карвонлари мағрибу машриққа олиб кетадиган хива гиламлари, сопол ва мис буюмлар, чўғирмаю пўстинларнинг бозори чаққон бўлган кўп қўлаб тарихий манбалардан аён. Шу боис бу ерда истиқомат қилган кишилар, албатта, бирор хунарни пухта эгаллашган.

Муаррихларнинг қайд этишича, кураги ерга тегмаган баҳодир, файласуф олим ва инсонпарвар шоир, жавонмардик тарикатининг асосчиси Паҳлавон Маҳмуд ҳам аслида оддийгина телпақдўз бўлган. У ўз хунари ортидан кун кечириб, паҳлавонликда топганларини бева-бечора, етим-есирларга улашган. Айни пайтда Хивада ушбу хунарнинг кенг қанот эъзаётини, ёш йиғинлар орасида чўғирма кийиш урф бўлаётганида, сарҳаларимиз оша бу маҳсулотлар ўз харидорларини топаётганида шу ерлик фидойи ва изланувчан хунармандларнинг ҳиссаси катта.

Хива туманидаги «Гулирайхон» маҳалласида истиқомат қилаётган Бобожоновлар оиласи ҳам бир неча асрлардан бундан кийини авайлаб-асраб, безавол ривожлантириб келаётган сулола давомчилари. Бу ерда оила аъзоларидан ташқари, маҳалланинг ўнлаб йигит-қизлари хунар сирини олаётганини ўрганишаётди.

— Чўғирмани тайёр ҳолга келтириш узоқ давом этадиган жараён, — дейди чўғирмадўз Хуршида Бобожонов. — Аввало, қорақўл терилари орасидан муносибларини танлаш билиш керак. Кейин тери ошланади, қай-

Ичанқалъа музей мажмуасиди оилавий тадбиркор Бобожоновларга тегишли 13-дўкон доимо харидорлар билан гавжум. Маҳаллий ва чет эллик сайёҳлар дўконда жилибони турган чўғирмалар билан шунчаки ўтиб кетишолмайди. Харид қилишади. Жиллакурса, «Лазги» рақсининг тисмолига айланган чўғирмани бир бор кийиб расмга тушишади. Ана шу эсдаликлар эса уларга бир умр Хоразмнинг ўтмиши, Хива хотиралари, Паҳлавон Маҳмуд сингари буюк инсонларни, моҳир ва изланувчан хунармандларни эслатиб туради.

Юлдуз ҲОЖИЕВА «Mahalla»

## Дунё бўйлаб Тўфон талафотлари



Европанинг шимоли-ғарбий худудларида бир ҳафтадан бери давом этаётган «Имоген» ва «Рузика» тўфонлари Франция, Англия ва Германияда ҳаётни издан чиқарди.

«The Independent» нашрининг ёзишича, табиий офат туфайли Англия ғарбидидаги 20 мингта хонадон электр энергиясиз қолган. Тезлиги соатига 155 километрни ташкил қилаётган тўфон сабабли денгиз қирғоқларида 20 метр баландликдаги тўлқинлар келиб урилмоқда. Кучли шамол оқибатида Парижнинг марказий кўчаларидаги реклама баннери бир аёвнинг устига қўлаб тушган ва у оғир тан жароҳати олган. Германияда эса карнаваллар бекор қилинди.

## «Қутилмаган меҳмон»

Канада бўйлаб сайрга чиққан бир ошланнинг машинаси деразасидан «қутилмаган меҳмон» бошини суқди.



Совуқ ҳавода оч қолган бугу йўлда тўхтаб турган автоловга яқинлашган ва орқа ўриндиқда олма еб ўтирган кизалоқнинг қўлидаги емакни «тортиб олган». Аввалига қизча кийикдан бирор кўрққан. Кейинчалик эса

улар «дўстлашиб» олишти, дейилади «England Daily Mail» газетаси саҳифаларида.

## Кўчки остида омон қолди



Ҳиндистон шимолидаги «Сиачен» водийсида 8 метр баландликдаги қор кўчкиси остида қолиб кетган бир аскар 6 кундан кейин қутқарилди.

Беш минг 900 метр баландликда, минус 45 даража совуқда 6 кун қолиб кетган аскарнинг соғ-омон қутқариб олиниши ҳақиқий мўъжизадир. Ҳанамансапта Коппад исмли киши бахтли тасодиф туфайли кўчки остида қолган арчалар орасидаги бўлиқда жон сақлаган. Эслатиб ўтамиз, 1984 йилдан бери қор ва тупроқ кўчкилари остида 8 нафар аскар ҳалок бўлган.

Интернет хабарлари асосида Нурмуҳаммад НОСИРОВ тайёрлади.

## БУ — ҚИЗИҚ!

### Қуёш қишда яқин, ёзда узоқ бўлади



Ердан қуёшгача масофа 149,5 миллион километрни ташкил этсада, бу оралиқ йил давомида ўзгариб турар экан.

Гап шундаки, сайёрамизнинг Қуёш атофида айланадиган орбитаси эллипс шаклида бўлгани учун йил давомида унга гоҳ яқинлашиб, гоҳ узоқлашади. 3 январда Ер қуёшга яқин келади. Бу вақтда ўртадаги масофа 147 миллион километрни ташкил этади. Кейин узоқлаша бошлайди. 5 июлда энг олисда — 152 миллион километр масофада бўлади.

Ер сутка давомида ҳам Қуёшга гоҳ яқинлашиб, гоҳ узоқлашиб туради. Январдан июлгача туш пайтида, июлдан январгача эса кечкурун қуёшга яқинлашамиз.

## Фаслар қандай алмашади?

Ер, асосан, икки хил — ўз ўқи атофида (суткалик) ва Қуёш атофида (йиллик) ҳаракатланади.



Ернинг ўз ўқи атофидаги суткалик ҳаракати натижасида кун ва тун юзага келса, йиллик ҳаракати натижасида фаслар алмашади. Ернинг Қуёш атофидаги йиллик ҳаракати унинг орбитаси деб аталади. Орбитанинг узунлиги 940 миллион километр. Сайёрамиз бу йўлни ўрта ҳисобда соатига 107 километр (секундига 29,8 километр) тезликда босиб ўтади.

Бу тезлик артиллерия ўқининг учини тезлигидан ўн барабар катта. Ер ана шундай тезлик билан Қуёш атофини 365 кун 5 соат 48 дақиқаю 46 сонияда айланиб чиқади. Ернинг қуёш атофидан бир марта тўла айланиб чиқишига кетган вақт (365 куну 6 соат) йил деб аталади.

Мухбиримиз.

## ГУЗАРДАГИ ГУРУНГЛАР

Қишлоқда Салим аканинг хонадонини ҳамма яхши билади. Бу хонадонда уч ўғил ва бир қиз вояга етмоқда. Салим ака саҳардан кун ботгунча меҳнатдан эринмайди. Қуни-қушнлар оила бекаси Фотима опага ҳавас қилишади, келин олсам мана шундай сабр-қаноатчи, уйум-жойим дейдиган бўлсин, дея ниҳат қилишади.

Салим ака яхши ниҳатлар билан бирин-кетин фарзандларини уйли-жойли қилди. Бир этак набирали ҳам бўлди. Бироқ энди дилбандлари бир ҳовлига синамай қолишти, ўртада жанжал чиқиб, хонадондан ҳаловат кўтаришди. Бундай нотинчликка чиқолмаган катта ака уйдан бош олиб чиқиб кетди. Кенжа ўғил ва келин «бу уй бизга тегишли» дер, тортишув авжига чиқарди. ...Ҳовлида мажнунот тағиди ариқда оқётган сувнинг шилдирашидан бўлак товуш эшитилмасди. Дарахтга сунган Фотима опа эрига маънос тикилиб турарди... Салим ака уйғониб кетди. Хайрият, кўрғани туш экан.

«Э-э... Фоти, ўзинг бўлганинда болаларга бош-қош бўлиб ўтирарминг», деб бош сермади Салим ака. Бугун ҳам кенжа ўғилнинг авзойи бузуқ.

«Бу уй меники», деган ваз билан у яна жанжални бошларди. Қадди хиёл букилган, соч-соқолига оқ оралаган Салим отанинг вужуди титраб кетди. — Ўғлим, ўйлаб гапирялсанми? Ахир, мен отангман, бу аканг-ку. Вақти-соати келиб акангга ҳам уй олиб берамиз. Бироз сабр қилолмайсанми?.. Кенжа ўғил нималардир деб тўнғиллади. Эртасига уста олиб келиб ҳовлининг ўртасидан девор кўтартирди. Девор асли ҳовли ўртасига эмас, Салим отанинг кўкрагига кўтарилди гўё. Отанинг фарзанди бўлган меҳри синди. Дилбандини қарғамасди, лекин дили қаттиқ оғриди. Залворли ва ғамгин кунлар шу зайлда ўтарди. Бир кун кенжа ўғли автоҳалокатга учраб шол бўлиб қолди. Ота экан-да, ўлими

бориб кўрди, ҳол-аҳвол сўради. Бироқ гўмоқхў ўғил: «Мени кечиринг», деб айтолмади. Бир ой ўтар-ўтмай ҳаётдан кўз юмди. Эрининг маъракаларини наридан-бери ўтказган келинига бедава касаллик ёпишти. Аёл анча пайт ётоққа миҳланди, ахирини хасталик уни ҳам олиб кетди. Вояга етаётган икки нафар набирани етим қолди. Салим ота уларни ўз тарбиясига олди ва деворни ҳам буздириб ташлади. Ҳа, азизлар, меҳр булогининг қуришига сабаб бўлган худбинликнинг, нафснинг йўлига кириш умрининг заволи деганлари шу бўлса керак.

Тойиржон ТУНГАТОВ, Тошкент вилояти Чиноз тумани «Ҳазрат Али» жоме масжиди имом-хатиби.

Mahalla logo and contact information. Includes phone numbers, address, and subscription rates. Website: mahalla.uz